



Президент қарорига асосан, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида БИТТАДАН ЭКОБОҒ БАРПО ЭТИЛАДИ.



1 мартдан буён ЯҚИН ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДАН жами 9 361 нафар ўзбекистонлик эвакуация қилинди.



Ипотека учун субсидия олган фуқаролар КРЕДИТНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТУЛОВИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА жамғарма депозити очиши мумкин.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

“ЕТТИЛИК”НИ ЮКСАКЛИККА ЕТАКЛАГАН ТУЙҒУ, БУ — ҲАЛОЛЛИК ВА МАСЪУЛИЯТДИР

ЭЪТИРОФ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Жузимгул АБДИРАСУЛИЕВА, Чимбой туманидаги “Гужимли” маҳалласи раиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси.

Очиги, 20 йиллик иш тажрибамда маҳаллага бугунгидек эътибор қаратилганини эслай олмайман. Тўғри, аввал ҳам биз ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фаолият юритардик, ўзига яраша ваколатларимиз бор эди. Бироқ барибир тизимга нисбатан эътибор сўст, “маҳалла — топшириқларни бажарувчи орган” деган қараш шаклланиб қолганди. Маҳаллада ишловчи учтагина ходимни барча ҳам танимасди. Фаолиятимизга боғлиқ бўлмаган мажлисларда қатнашиб, турли “ийг-ийг”лар, ёрдам сўраб келганга кўмак беролмаслик, қўли боғлиқлик одатий ҳол эди...

Шукрки, бугун маҳалла раисининг обрўси ҳам, ваколати ҳам, қийналганларга ёрдам кўрсатиш имконияти ҳам ошди. “Маҳалла бюджети” орқали йиғиндаги кам-кўстимизни бутлаётимиз, эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга шароитимиз бор, ҳар қандай ижтимоий кўмакни маҳалланинг ўзида кўрсатишга шаймиз. Давлатимиз раҳбарининг ана шундай оқилона сивасати тўғрисида бугун мурожаатлар маҳалладан ташқарига чиқмаётди, барча масалага ечим йиғиннинг ўзида топилапти.



Фаолиятимизда аёллар билан ишлашга, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, дарду ҳасратларини аритишга жиддий эътибор қаратаман.



Тан олиш керак, илгари қишлоқ аёли ҳақида гап кетганда, сахардан шомгача да-лада меҳнат қилиб қосаи оқармаган, қўли қадок жафокаш инсонни тасаввур қилардик. Ёки рўзғор юмуши билан банд бўлиб, ҳатто ўз соғлиғи ҳақида қайғуришни ҳам унутган, озиб-тўзиган ночор ожиза қиёфаси кўз олдимизда гавдаланарди. Бугунги тасаввурларимиз эса бутунлай бошқача. Қишлоқ аёллари ҳам шаҳардан кам бўлмаган шароитда яшаш ва меҳнат қилиш имконига эга бўлмоқда. Улар тадбиркорликда, касб-ҳунар эгаллашда, хорижий тилларни ўрганишда фаол, аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар опа-сингилларимиз ҳаётга улкан маъно-мазмун олиб кирди.

Бу жараёнларда, албатта, “еттилик” аъзоларининг ҳар бири ўз хиссасини қўшяпти: кимдир аёлларга кредит ажратади, кимдир муаммосига елка тутаяди, яна бири ижтимоий ҳимоясини таъминлайди. Энг муҳими, маҳалла аёллари бугун ўзини ҳеч ҳам елғиз ҳис қилмайди.

“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да олдимишга улкан марралар қўйилган. Одамларни рози қилиш, уларнинг ислохотлардаги иштирокини қўлайитириш, обод ва хавфсиз маҳаллани яратиш — бирламчи вазифалардир. Бу йўлда “еттилик” аъзолари билан ҳамжихатликда меҳнат қиламиз, ҳар бир инсон маҳалланинг энг ақин тузилма эканини ҳис этишини таъминлаймиз. Давлатимиз раҳбарининг юксак ишончи бу борада бизга улкан қўдрат бағишлайди.



Саифиддин Маҳаббатов “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

“МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ — МЕНИНГ САРМОЯМ”:

айни шу лойиҳа аҳоли ва давлат ўртасидаги молиявий шерикликнинг мустақкам тамойилига айланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

2026 йил 6 март, соат 18.00 ҳолатига кўра, шериклик асосида муддатидан олдин ғолиб, деб топилган лойиҳалар сони 6 тага етди. Хусусан, Қашқадарё вилояти Кўкдала туманидаги “Эски анҳор” маҳалласининг умумий узунлиги 3 километр бўлган Мезонли ва Оқар дарё кўчаларини асфальтлаш учун 1 миллиард 648 миллион сўм маблағ зарур. Бунинг ярми (824 миллион сўм) аҳоли ташаббуси билан тўланади. Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги “Шарқ” маҳалласи Юсуф Ҳамдоний кўчасининг 360 метрлик қисмини асфальтлаш учун 230 миллион сўм талаб этилади. Шунинг 50 фоизи — 115 миллион сўмни аҳоли молиялаштириди. Худди шундай, Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги “Мангит” маҳалласи (518 миллион 400 минг сўм), Шахрисабз туманидаги “Кўшчинор” маҳалласи (522 миллион сўм), “Шанбе” маҳалласи (522 миллион сўм), Шофиркон туманидаги “Шибиргон” маҳалласи (396 миллион сўм) кўчаларини асфальтлаш лойиҳалари учун аҳоли тасдиқланган сумманинг ярмини махсус ҳисобрақамга ўтказди. Мазкур лойиҳалар ҳам муддатидан олдин ғолиб, деб топилди.

Эслатиш керак, шерикчилик лойиҳалари учун 506 миллиард сўм маблағ ажратилган.

КўПРОҚ ОВОЗ ЙИҒГАНИ ҒОЛИБ, АММО...

Яшириб нима қилдик, “Ташаббус-ли бюджет” жараёнида овоз йиғиш учун пул сарфлаш — бу тизимнинг энг баҳали ва кўп муҳокама қилинадиغان жиҳатларидан биридир.

Лойиҳанинг ғолиб чиқиши учун минглаб овоз керак. Агар маҳалла аҳолиси кам бўлса ёки овоз йиғиш фаолиги паст бўлса, одамлар мажбурликдан “бозор” хизматларига мурожаат қилишади. Айниқса, бир худуддан бир нечта кучли лойиҳалар чиққанда, “овоз пойғаси” бошланади.



Масалан, 1,2 миллиард сўмлик лойиҳани ятиш учун камидан 5-10 минг овоз керак. Агар бир овоз ўртача 25 000-30 000 сўмга баҳоланса, дейлик, 5 000 овоз учун 125-150 миллион сўм маблағ сарфланади. Агар бир худуддан бир нечта илғор лойиҳалар қўйилса, камидан 15-20 мингта овоз керак. Бу — 375-500 миллион сўм дегани. Қолаверса, овоз бериш нархи ҳам ортиб боради.

Ўтган йиллардаги амалиётга кўра, овоз йиғиш учун минглаб симкарталар сотиб олиниб, улар орқали овоз берилди. Телеграм гуруҳлари ёки махсус ботлар орқали овоз сотиш ва сотиб олиш хизматлари пайдо бўлди. Овоз берганлар ҳисобига пул тушириб бериш ёки ёғ, шакар каби озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатиш одат тусига кирди.

Афсуски, бу ҳолат шундай давом этаверса, ижтимоий тенгсизликни юзага келтиради: кўпроқ пул йиға олган (бойроқ ёки тадбиркорлари кўп) маҳаллалар ғолиб бўлади, ҳақиқатда муҳтож, лекин маблағи йўқ чекка қишлоқлар четда қолиб кетаверади. Энг ёмони, пул аралашган жойда лойиҳанинг “халқчил” мақоми йўқолади ва аҳолида тизимга нисбатан шубҳа уйғонади.



ТАШАББУС

Аслида, овоз йиғиш жараёнида ноқонуний ҳаракатлар (мажбурий овоз йиғдириш ёки оммавий сунъий овоз кўпайтириш) аниқланса, лойиҳа овоз бериш босқичидан четлатилиши ёки ғолиблиги бекор қилиниши мумкин. Бюджет ташкилотлари ходимларини (ўқитувчилар, шифокорлар) овоз йиғишга мажбурлаш мажбурий меҳнат сифатида таснифланади.

ОВОЗ ЙИҒМАЙ, ҒОЛИБ БЎЛИШ ЙЎЛИ БОР!

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида бир қанча чоралар кўрилди. Жумладан, “Бир фуқаро — бир овоз” тамойили йўлга қўйилди. Илгари битта телефондан чексиз овоз бериш мумкин эди, энди эса техник чекловлар қўйилди. Шериклик лойиҳалари тақомиллаштирилди: пулни “кўчада” овоз сотиб олишга сарфлагандан кўра, расмий равишда давлат бюджетига (50/50 шарт)да ўтказиб, овоз йиғмасдан ғолиб бўлиш имконияти яратилди.

Умуман олганда, янги тизим “овоз йиғиш” марфонидида носоғлом рақобатни қамайтиради. Одатдаги “Ташаббусли бюджет” жараёнларидан фарқли ўлароқ, бу ерда минглаб овоз тўплаш талаб этилмайди. Вақт ва ресурс тежаллади, лойиҳанинг сифатли бажарилиши устидан жамоатчилик назорати кучаяди.

РАҒБАТ

МУКОФОТ МУБОРАК!

“8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилинди. Эътиборлиси, мукофотланганлар орасида бир гуруҳ маҳалла тизимида фаолият юритаётган соҳа жонқуярлари, “маҳалла еттилиги” вакиллари ҳам бор. Жумладан:

“Меҳнат шухрати” ордени билан Тошова Мейра Набиевна — Бухоро шаҳридаги “Шайхул Олам” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти.

“Дўстлик” ордени билан Абдрасулиева Жузимгул Матековна — Чимбой туманидаги “Гужимли” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

Рўзметова Насиба Шариповна — Хива туманидаги “Кўшчи каттабоб” ва “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар фаоли, Хоразм вилояти;

Хамраева Муатар Кабилджановна — Чилонзор туманидаги “Гавҳар” маҳалла фуқаролар йиғинининг «Оқила аёллар» ҳаракати раҳбари, Тошкент шаҳри.

“Шухрат” медали билан Азимова Зарнигор Шухратовна — Навбахор туманидаги “Бешрабат” маҳалла фуқаролар йиғинининг комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходими, Навоий вилояти;

Қудайбергенова Асия Мирзали кизи — Зангиота тумани “Фаробий” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Тошкент вилояти;

Қудратова Малика Маматмуратовна — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг Дўстлик тумани бўлими бошлиғи, Жиззах вилояти;

Эргашева Шахноза Агзамовна — Қириб туманидаги “Пўлат қадам” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Тошкент вилояти.

Бу юксак эътироф маҳалла институтининг жамиятимиздаги беқиёс аҳамияти ва “маҳалла еттилиги”нинг меҳнатига берилаётган муносиб баҳодир. Мукофот соҳибларини самимий муборакбод этамиз!

ЖАРАЁН

ИШОНЧЛИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ: ТЕРАН ФИКРЛАР ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР УЙҒУНЛИГИ



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг Андижон шаҳридаги китоб дўканларида бўлиб, бу ерда ёш китобхонлар учун яратилган шароитлар ҳамда маърифат улашиш жараёнлари билан яқиндан танишди. Шундан сўнг, масууллар “Digital Hub” технопаркига ташриф буюриб, андижонлик иқтидорли стартапчи ёшларнинг инновацион лойиҳалари тақдимида иштирок этди.

Ёшлар билан мулоқотда асосий эътибор худуддаги ўқув марказлари ташаббусларини амалий қўллаб-қувватлаш ва ёшлар таълимини ривожлантириш масалаларига қаратилди. Тадбирда “Кўмак” лойиҳаси орқали имтиёзли сўда олиб, ўз ишини муваффақиятли йўлга қўйган йигит-қизлар ҳам қатнашиб, эришган натижаларни ҳамда тажрибаларни ўртоқлашди. Шунингдек, улар мазкур лойиҳа самарадорлигини янада ошириш бўйича ўзларининг қизиқарли таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Уюшма раиси Избоскан туманидаги “Урганжи” маҳалласида аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган навбатдаги учрашувларни олиб борди. Мулоқотлар давомида маҳаллада истиқомат қилувчи онахонлар ҳолидан хабар олинди, “маҳалла еттилиги” ва онахонлар соғлигини тиклаш мақсадида “Навбахор” дам олиш масканида даволаниши учун йўланма-лар берилди.

Ўрганишлар давомида маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди.

Республика ишчи гуруҳининг навбатдаги ўрганишлари Наманган вилоятида давом этди. Норин тумани “Чангитма”

маҳалласидаги “еттилик” аъзолари билан учрашув ўтказилиб, уларнинг мавжуд муаммолари, тақлиф ва ташаббуслари атрофлича тинланди ҳамда муҳокама қилинди. Сўхбат жараёнида маҳалла инфратузилмасини янада тақомиллаштириш ва аҳоли учун кўлай шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, маҳалладаги ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда доимий даромад манбаи билан таъминлаш борасида ишлаб чиқилган режалар таҳлил қилинди.

Уюшма раиси Учкўрғон туманидаги “Истиқлол” маҳалласида бўлди. “Еттилик” аъзолари билан мулоқотда маҳалланинг асосий “драйвер”и сифатида қўлпуннай етиштириш соҳаси алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ҳар пайшанба кўни ёшлар билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиш бўйича берган топшириқлари ижроси алоҳида эътибор марказида бўлди.


Наманган шаҳридаги “Шодлик” ва “Диёр” маҳаллаларида мавжуд инфратузилма ҳолати атрофлича кўздан кечирилиб, худуддаги муаммолар ва эҳтиёжлар жойида таҳлил қилинди. “Маҳалла еттилиги” билан учрашувда аҳолини қийнаётган масалалар, худудни янада ободонлаштириш ва ижтимоий шароитларни яхшилаш бўйича фикр-мулоҳазалар тинланди.



Ўзбекистонда 2026 йил учун ҳисобланган МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ қиймати бир ойда киши бошига 715 минг сўм этиб белгиланди.



“ТОШКЕНТ — САМАРҚАНД” АВТОМАГИСТРАЛИНИНГ лойиҳавий тезлиги 150 километр/соат этиб белгиланади.



“Halyk Bank” ва “Tenge Bank” Қозоғистонда НУМО ОРҚАЛИ ТЎЛОВЛАРНИ йўлга қўйди.

2026 йил
7 МАРТ,
ШАНБА

Mahalla №18

3

“ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!”

ТАҲЛИЛ

“ЎТКАЗМА МАҚСАДИ” ТАНЛАНИШИДАН НЕГА ЖАМОАТЧИЛИК НОРОЗИ?

БУ ОДДИЙ ТЕХНИК ТАЛАБМИ ЁКИ НАЗОРАТ?

Сўнгги кунларда картадан картага амалга ошириладиган тўловларда энди ўтказма мақсадни кўрсатиш мажбурий бўлгани кўпга баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Жамоатчиликнинг кескин танқидига жавобан Марказий банк бунди техник ўзгариш сифатида изоҳлади.

Хайрулло ФАЙЗ.

Ўғри, бу талаб — мажбурий эмас, тавсиявий характерга эга экани таъкидланган. Лекин амалда тавсияни банклар сўзсиз бажариши одатга айланган. Шу боис фойдаланувчилар пул юбориш жараёнида ўтказма мақсадни мажбурий тартибда танлаши керак бўлишини таъкидлашмоқда. Жараёнда 16 та тоифадан бири белгиланади.

Хўш, жамоатчиликда айнан қайси жиҳатлар ташвиш уйғотмоқда? Келинг, аввал мутахассислар таҳлиliga эътибор қаратамиз. Иқтисодчи Отабек Бакиров бу ўзгариш истеъмолчилар учун яхши янгилик эмаслигини ёзмоқда. Унинг фикрича, жамланган ҳар қандай ахборот келажакда турли чеклов ва ташаббусларни илгари суриш учун асос бўлиши мумкин. Масалан, Р2Р ўтказмасида “товарлар ёки савдо учун тўлов” деб кўрсатиш савдо қоидалари бузилаётганини тан олиш сифатида талқин қилиниши мумкин. Шунингдек, рўйхатдаги айрим бандларни танлаш ҳам истеъмолчининг ўзини ўзи хавф остига қўйиш эҳтимолини келтириб чиқаради. Бунга овқатланиш ва таом харажатлари, ижара тўлови, инвестиция ўтказмаларини кўрсатиш мумкин. Вақт ўтиб, солиқ ташкилотлари Р2Р бўйича янги талабларни илгари сурса, бу ажабланарли бўлмайди.



Бу чеклов ва талаблар уй-жой ва автомобиль харидлари, давлат хизматлари, электр энергияси, табиий газ, ичимлик сувдан фойдаланганлик учун тўловлар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, ёқилғи ҳамда қиймати 25 миллион сўмдан ошадиган товар ва хизматлар учун тўловларни нақдсиз шаклда ўтказиш арафасида жорий этилаётгани ҳам тескари таъсир бериши мумкин. Яъни ўз пулини истаганча фойдаланишга иккиланган истеъмолчи уни нақдлаштиришга уринади.



Яна бир ташвишли қутилма бор. Бу — жараёнда сунъий статистика вужудга келади. Одамлар шунчаки тўлови ўтиши учун биринчи мақсадни босиб, пулларини ўтказаверади. Натижада Ўзбекистонда фалон миллиард сўмлик “савдо учун тўлов” Р2Р орқали амалга оширилаётгани ҳақида асоссиз статистика шаклланиши мумкин.

Гувоҳ бўлганингиздек, масала жиддий ёндашуви талаб қилади. Шундай экан, уни жорий этишдан аввал жамоатчилик муҳокамасига қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ЭЪТИРОФ

Хорижий тажриба тадбиркорлик ривожига қўл келди

Юртимизда ишлаган, изланган инсон меҳнати беиз кетмайди. Бу фикр исботини ўз тақдиримда кўриб, гувоҳ бўляпман. Мендек оддий қишлоқ қизини Давлат раҳбари 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан юксак мукофот — “Шухрат” медали билан тақдирлади.

Асия ҚУДАЙБЕРГЕНОВА, Зангиота туманидаги “Қирғузар” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.



Бу хушxabарни эшитган дақиқаларимни сўз билан ифодалашга ожизман... Юрагимдаги ҳаяжон, кўздаги ёш, қалбимдаги шукроналик — буларнинг барчаси бир зумда бирилашиб кетди.

Шу лаҳзада орда қолган йиллар бирмабир хаёлимдан ўтди: қийинчиликлар, синовлар, сабр билан босиб ўтилган машаққатли йўл... Ҳар бир меҳнатли кун, ҳар бир ухламай ўтган тун, ҳар бир масъулиятли қарор — бугунги эътирофга олиб келганини хис қилдим.

Ҳа, ҳеч бир иш бошида осон бўлмайди. Мен ҳам ҳоким ёрдамчиси сифатида тўсиқларни енгиб ўтишимга тўғри келган. Бу жараёнда маҳалланинг ўзига хос анъаналари, имкониятларини ҳисобга олдим. Аниқ мақсад қўйиб, иш бошлашни ниёт қилган, аммо маблағи йўқларга ёрдам бердим. Натижада “драйвер” — хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаси ривожланди. Мисол учун, аввалда маҳаллада атиги тўртта тадбиркор бўлган. Ҳозир улар 100 нафарга етди.

Фаолиятимдаги ютуқларда хорижий тажрибаларни ўзимизда татбиқ этиш ҳам катта ўрин тутди. Бу борада Хитой, Туркия ва Қирғизистон Республикаларида малака ошириб қайтганимни алоҳида таъкидлашни истардим.

Президентимиз эътирофи, бу — бир менга эмас, балки “еттилик”ка берилган баҳодир. Агар улар елкадош бўлганда, қўллаб-қувватлаганда ёлғиз ўзим бундай натижага эриша олмас эдим.



Мисол учун, фаолияти тўхтаб қолган “Ширинлик дунёси” оилавий корхонасига молиявий ёрдам бериб, қайта иш бошлашига эришдик. Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарига ўрганганимга асосан, “Патрис” бренди остида қандолатчилик кооперацияси ташкил этдик. Натижада 320 та янги иш ўрни яратилди.

Миграциядагилар билан ишлаш алоҳида эътиборда. Утган йилги хатловда 21 нафар фуқаро рўйхатга олинганди. Кам маошли ишда меҳнат қилаётган, оғир вазиятга тушиб қолганларга фойдали таклиф бердик. Натижада 17 нафари ватанга қайтди.

Дилобар Ортиқова оилавий шароити ва муҳити яхши бўлмагани боис, 10 йилдан бери хорижда истиқомат қиларди. Юртга қайтса, қандай имтиёزلарга эга бўлишини тушунтирдим. У тадбиркорликка қизиқишини, аммо маблағи йўқлигини



билдирди. Кўмак беришимизни айтгач, оиласи бағрига қайтди. Ҳозир қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорга айланган. 3 та иш ўрни яратиб, ойига 6 миллион сўм фойда топмоқда. Бундай мисоллар жуда кўп. Дониёр Иброҳимов, Нусратилла Ниғмонхўжаев, Нигора Дадаевалар “еттилик” кўмагида тадбиркорга айланди.

Утган йили “Лойиҳа менежерлари” гуруҳи таркибида самарадорлик кўрсаткичи паст бўлган Норин ҳамда Мингбулок туманидаги 8 та маҳаллада ҳам иш олиб бордим. Шукр, ўтган вақтда яхши натижага эришдик.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

БУҒДОЙ СУРУНКАЛИ ЁМҒИРДАН ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ?

Айни кунларда кузатилаётган ёгингарчилик буғдой етиштиришда муҳим омил ҳисобланади. Ёмғир намлик манбаи сифатида ўсимлик ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо унинг ортиқча бўлиши айрим агрономик муаммоларни ҳам келтириб чиқаради.



Шодмон НАМОЗОВ, Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Хўш, нима қилиш керак?

Аввало, майдонларда сув тўпланишининг олдини олиш, ариқ ва дренаж тизимларининг ишлашини назорат қилиш, кучли ёмғирлардан кейин ўсимлик ҳолатини агрономик кўриқдан ўтказиш, зарур ҳолларда қўшимча озиклантириш чораларини кўриш керак.

Шунингдек, қўшимча сифатида иммунофаол биостимулятордан фойдаланиш зарур. У ўсимлик иммунитетини оширади, касалликларга чидамликни кучайтиради. Сувқ, иссиқ ва намлик етишмовчилиги каби шароитларда ўсимликни ҳимоя қилади. Илди тизимини ривожлантиради — ортиқча намлик ёки қуруқликдан келиб чиқадиган илди муаммоларини камайтиради ва ўсишни тезлаштиради.

КИЧИК ЛОЙИҲАДАН КАТТА НАТИЖА

Томорқаси бор одам “ишсизман”, дейиши нотўғри

Тўрт сотихли иссиқхонадан бир йилда ўртача қанча даромад олиш мумкин? Бу томорқачининг иш кўзини билишига боғлиқ, албатта. Келинг, бундан Кўштепа туманидаги “Баландмасжид” маҳалласидаги Наврўз кўчасида яшовчи Р.Ҳамролиев тажрибаси мисолида кўриб чиқамиз.



арҳақиқат, томорқа аҳоли даромадининг асосий манбаларидан бирига айланмоқда. Бир қарич ери бор инсоннинг бекор ўтириб, “ишсизман”, дея нолиши нотўғри. Жумладан, Р.Ҳамролиев ер

билан тиллашиб, томорқасидан муносиб даромад топмоқда. Иссиқхонада замонавий усулда экиб парвариланаётган кулпунайлар пишиқ, хосил бера бошлади.

Аслида, бу мўъжаз иссиқхонани хазинага қиёслаш мумкин. Ер у ёки бу экиндан бушаган захоти бошқаси униб ҳосилга кира бошлайди. Кулпунайдан ташқари, қарам, бодринг, помидор, бақлажон, исмалоқ, саримсоқлиёз, кашнич, редиска парвариланган имконияти ҳам келгусида катта даромад манбаи ҳисобланади.



Сирасини айтганда, хонадон тажрибаси кўрсатяптики, қишлоқда томорқачининг қадрига етган киши яхши яшайди. Яшаганида ҳам орзу-ҳавасларига етиб, умргузаронлик қилади.

Дастлабки ҳисоб-китобга кўра, тадбиркор йил давомида 200 миллион сўмгача даромад олишни режа қилмоқда. Бу эса кичик ер майдонидан самарали фойдаланиш мумкинлигининг амалдаги намунаси.



Мамлакатимизда илк бор ЎЗБЕКИСТОН АЁЛ СУДЬЯЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ташкил этилди.



Олий таълим муассасалари талаба ва магистр қизлари ўртасидаги "АГРО-ЗАМИН ЮЛДУЗЛАРИ" республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.



ТОШКЕНТНИНГ БОШ РЕЖАСИ ЎЗГАРДИ: энди айрим жойларда 30-40 қаватли биноларнинг курси бўлади.

"ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!"

Тазйиқ ва зўравонликка эмас, меҳрга муносиб мунис аёл бу...

Зўравонлик — зўр йигитнинг иши эмас

...Эрталабдан ижтимоий тармоқларда Фаргона вилоятининг Марғилон шаҳрида бир эркек аёл ва унинг ўғлини аёвсиз калтаклагани ҳақидаги хабарлар тарқалди.

Шаҳноза РАҲИМЎЖАЕВА, "Mahalla" муҳбири.

Маълум бўлишича, фарзандини кўргани борган она ўғлини бегона шахс аёвсиз дўппослаётганига гувоҳ бўлади. Уларни ажратишга ҳаракат қилган аёл ҳам калтаклар остида қолади. Натижада она-бола танасининг турли жойларидан жароҳатланади. Безори шахсга нисбатан қонуний чора кўриляпти. Лекин бу каби ҳолатларнинг ортиб бораётгани кишини чуқур ўйга толдиради. Шундай салбий вазиятларнинг олдини олиш ҳамда керакли чо-

раларни кўриш мақсадида жорий йилнинг 3 март куни "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди. Унинг муҳим жиҳатларидан бири — аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш тизимини такомиллаштириш орқали уларнинг сонини кескин қисқартиришдан иборат. Фармонга кўра, 2026 йил 1 апрелдан ҳимоя ордери берилган жабрланувчи хотин-қизларнинг алоқа воситаларига Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари тўғрисида зудлик билан хабар бериш мўлжалланган ("SOS" чақирув) "my.ihma.uz" мобил иловаси уларнинг розилиги билан ўрнатилади.



Бу лойиҳа фуқароларга тезкор хизмат кўрсатишни таъминлаб, жабрланувчиларга оғир вазиятда керакли ёрдамларни кўрсатишга замин яратиши шубҳасиз. Қолаверса, йиллар давомида яқинларининг қийноқларига чидаб яшаётган аёллар учун ишонч манбаи демек.

2027 йил 1 январдан аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни, қоида тариқасида, маҳсус тайёргарликдан ўтган терговчилар ва судьялар тергов қилиши ва кўриб чиқиши белгиланади. Кўриб турганингиздек, тобора масалага жиддий ёндашилмоқда. Ишни ўз соҳасининг малакали мутахассисларига топшириш зўравонларга янада кескинроқ чора кўришни таъминлайди. Шу орқали юртимизда инсон ҳуқуқлари муносиб тарзда ҳимоя қилинади. 2026 йил 1 сентябрдан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ва Одил судлов академиясида терговчи ва судьялар учун "Жиноятдан жабрланган аёллар ва болалар билан ишлашнинг ўзига хос процессуал жиҳатлари" маҳсус ўқув дастури ташкил этилади.



Модомики, йўналиш бўйича ўқув дастурлари ҳам жорий этилаётган экан, демек, ҳақиқатан вазият жиддий, жабрланувчилар сони йил сайин ортиб борапти. Олий таълим муассасаларида тахсил олган ходимлар эса қаерда кимга нисбатан қандай жазо тайинлашни яхши билади. Юртимизда йил сайин аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб бораётганини кўриб, гувоҳи бўляпмиз. Айниқса, камбағаллик кўрсаткичлари аввалгига нисбатан анчагина қисқарди. Шунга қарамай, ён-веримизда дилни хира қиладиган муаммоларнинг ортиб бораётганини қандай қабул қилишга хайрон киши. Зеро, жамиятни мушт ва зўравонлик билан эмас, меҳр ва мурувват билан юксакларга олиб чиқиш мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Илм — сабрни синаб, иродани чархлайдиган йўл

...Эшикни эҳтиёткорона тақиллатдим. Ичкаридан сокин "Марҳамат, кирверинг", деган овоз янгради. Хонага кирганим замон жавонга тартиб билан терилган, турли мавзудаги китобларга кўзим тушди. Столда эса иш билан боғлиқ қоғозлар, ҳар хил газета ва журналлар...



Акмал БИНОҚУЛОВ, Жиззах вилояти ҳоқимлиги матбуот котиби.

У бошини китобдан кўтариб, ним табассум билан мени қарши олди. Чехрасида жиддийлик ва меҳр мужассам бўлган бу аёл — Жиззах давлат педагогика университети табиий фанлар факультети декани, кимё фанлари доктори, профессор Зухра Яхшиева эди. Яқинда у "Ўзбекистоннинг энг яхши олимаси" нуфузли мукофотига лойиқ топилди. Бу эътироф қирқ бир йиллик садоқат, изланиш ва матонатнинг самараси бўлди. Зухра опани яқиндан таниганлар унинг икки жиҳатини алоҳида таъкидлайди: қатъият ва меҳр. Дарс жараёнида талабчан, илмий ишда мурасасиз, аммо инсон сифатида бағри кенг. Кафедра эшигидан кирган талабанинг кўзидан хавотирни илғаб, унинг дардини тинглай олиш — ҳар қандай устозга насиб этавермайдиган фазилат. Илмда талабчанлик ва қалбада меҳр уйғунлашган жойда ҳақиқий устозлик мактаби вуҷудга келади. 400 га яқин илмий иш, 4 та дарслик, 7 та монография, ўнлаб ўқув қўлланмалар, ихтиро ва патентлар — булар шунчаки статистик рақам эмас. Ҳар бир кўрсаткич ортида уйқусиз тунлар, қайта-қайта ўтказилган тажрибалар, муваффақиятсизлик ва ана қайта ўтказилган тадқиқотлар ётади. Илм — сабрни синаб, иродани чархлайдиган йўл.

Унинг "Биоихтилофни муҳофаза қилиш мақсадида сув экотизимларининг ҳолатини чуқур ўқитиш ва ақлли қурilmалар тармоғи ёрдамида мониторинг қилиш" номли илмий мақоласи халқаро майдонда катта қизиқиш уйғотди. 109 та иқтибос, илм аҳлининг муносабати тадқиқот натижасининг нақадар долзарблигидан далолатдир. Москвадан Анкарагача, Боқудан Минскгача бўлган илмий минбарлар, КИВИЕ халқаро кўргазмасидаги олтин ва қумуш медаллар олиманинг илмий даражасини яққол кўрсатади. Бугун замонавий таълим технологияларини жорий этиб, амалий ва фундаментал лойиҳаларга раҳбарлик қилмоқда. Яратган "Кимёгарлар" таълим платформаси талабалар учун рақамли билим майдонига айланди. Зухра опа оилада фарзандларига талабчан она, набиралари учун ширинсўз буви, турмуш ўртоғининг ишончли елкадоши. Қолаверса, маҳалладошларининг яқин маслахаттўйи. Кимга қандай ёрдам зарур бўлса, имкон қадар хомлашади. Ҳаётда қийналган хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, далда беради. "Эттилик" вакиллари амалга ошираётган хайрли ишларнинг ташаббускорларидан. Маҳалла аҳли билан ўтказилган учрашувларда у доим аёлларни илму маърифат эгаллашга тарғиб қилади. Ана шундай фидойи олималар бор экан, юртимиз илм-фани юксалишдан тўхтамайди.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Ишсизликка барҳам беришда ташаббускорлик — энг муҳим омил

Ҳаётимизда бурилиш нуқталари кўп. Баъзан кирмоқчи бўлган кўчамизнинг қайси манзилга олиб боришини билмаймиз. Лекин инсон тўхтаб қолмаслиги керак. Доим олға интилиш, ҳаракат билан олдимиздаги барча тўсиқларни енгиб ўтиш мумкин.

Амина СЕЙДАБУЛЛАЕВА, Нукус шаҳридаги "Айдин жол" маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Мен ҳам маҳалла тизимиде иш бошлаган илк кунларимда кўп иккиланиш ва кўрқувни ҳис этгандим. Шундай вақтда одамлар билан кўпроқ суҳбатлашдим. Дардларига қўлоқ тутдим. Улар билан баробар ўзимдаги муаммолар ҳам аста-секин бартараф бўла бошлади. Бугун ҳудудимизда истиқомат қиладиган 2 000 нафарга яқин хтин-қиз билан яқин дугонамиз. Барчасининг яшаш шароити, орзу ва мақсадларига ўртоқман. Ёнимизга ёрдам сўраб келмасидан аввал биз, "еттилик" ходимлари хонадонларга бориб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳаракатидамиз. Гўлзода Сейдумуродова анча қийинчиликларни бошдан кечирди. Кам таъминланган оила сифатида йиллар давомида уч нафар фарзанди учун болалар нафақаси олиб келаётган эди.



Маҳалламизда ишсизлик муаммоси айни вақтда долзарб аҳамият касб этмоқда. Жорий йилда ўтказилган хатлов жараёнлари натижасида "Аёллар дафтари"га 56 нафар банд бўлмаган хотин-қизни рўйхатга олди. Йил якунига қадар маҳсус лойиҳалар асосида уларнинг ишли бўлишига шароит яратиб бермоқчимиз.

Учрашувларимиз давомида унга ўз устида ишлаши кераклигини кўп тушунтирдик. Тавсияларимиздан кейин ёлғиз ўзи кўрпа-тўшак тикиш билан шуғулланаётган аёл хонадонда цех ташкил этиб, фаолиятини кенгайттирди. Ҳозир уч киши биргаликда буюртмаларни пешма-пеш тайёрлаб беришяпти. Уларнинг бизнесини ривожлантириш мақсадида ижтимоий тармоқларда маҳсус гуруҳлар очиб, савдо қўламини оширишга эришдик. Натижада оила вакиллари фаровон турмуш кечиришини таъминладик.

Айни вақтда уч нафар аёлнинг ташаббуслари кўриб чиқилляпти. Улар тикувчилик ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш борасида ўз гоёларини амалга оширмоқчи. Шу орқали тўққиз-ун нафар хотин-қизнинг меҳнат қилишини таъминлаган бўламиз. Маҳалламизда кўп қаватли уйлар билан бирга ховлилар ҳам анчагина. Аҳоли вакиллари кичик бўлса-да, томорқасидан унумли фойдаланишнинг урдасидан чиқяпти. Хусусан, нафақа ёшидаги Ойшахон Турсунбаева уйда мўъжазгина боғ барпо этган. Бўш жойларга эса полиз экинлари экиб, рўзғорига барака киритяпти. Ортиб қолган маҳсулотларни савдога чиқариб, мўмай даромад топяпти. Одамларни четдан кузатиб, меҳнат қиладиганларнинг дастурхони тўкилиги, кайфияти аъло даражада эканига гувоҳ бўляпман. Зеро, мақсад ва ҳаракат билрлашганда, муаммолар ортга чекинади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

"МЎЪТАБАР АЁЛ" НИШОНИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Соҳиба ТЎЛҚИНОВА, Тошкент шаҳри:
— "Мўътабар аёл" кўкрак нишони кимларга берилди? Унга сазовор бўлиш учун қандай ютуқларга эришиш талаб этилади?

Ситора РАҲМОНБЕРДИЕВА, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси:



— Қонунчиликка кўра, "Мўътабар аёл" кўкрак нишони таъсис этилган бўлиб, мазкур мукофот билан қуйидаги хотин-қизлар тақдирланиши белгиланган:
 жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган;
 ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган;
 соғлам ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган.



Саҳифани "Mahalla" муҳбири Шаҳноза РАҲИМЎЖАЕВА тайёрлади.



Топ-300 талик университетларда ўқиш учун ёшлар ва педагогларга ТАЪЛИМ КРЕДИТИ АЖРАТИЛАДИ.



Ўзбекистонда МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛ ВА 21 ЁШГА ТЎЛГАН ЁШЛАР ўртасидаги никоҳ рағбатлантирилади.



“БРЭЙН РИНГ”, “ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АУКЦИОН”, “ЗАКОВАТ” Республика интеллектуал танлов ҳамда ўйинларининг янги мавсуми очик, деб эълон қилинди.

2026 йил
7 МАРТ,
ШАНБА

MaHalla №18

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР!

Андижон шаҳрининг “Хурсандлик” маҳалласидаги кичик бир қишлоқда ўзгача иқтидор эгаси яшайди. Сабрия Баҳодирова — 10 ёшли қизалоқ, у қўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлиш амалларини бир неча сонияда мияда ечиб беришга қодир. Энди эса у ўз билимларини маҳалла болалари билан баҳам кўрмоқда.

10 Ёшли қизалоқнинг 33 нафар ўқувчиси бор!

Муаззам ҚОДИРОВА.

Сабрия икки йил давомида Андижондаги ментал арифметика марказида тахсил олди. Ушбу курсни муваффақиятли тамомлаган қизалоқ 9 ёшида мамлакатимизнинг энг ёш ўқитувчисига айланди. Ментал арифметика, бу — юқори сифатли дастур бўлиб, болаларга математик амалларни калькулятордан ҳам тезроқ ечишни ўргатади. Дастур ёрдамида нафақат ўқишдаги натижалар яхшиланади, балки болалар мақсадга интилувчан ва ўзига ишончли бўлишни ҳам ўрганади.



Сабрианинги ақл-идроки ва билимдонлиги яқинларини хайратга солган. Шу боис улар қизалоқ маҳалла болаларига ўқитувчи бўлишни таклиф қилишди. Маҳалла-қўй ва Сабрианинги устозлари бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Шу тариқа, бир йилдан бери у маҳалладошларига ментал арифметика дарсларини олиб бормоқда.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

ИНСОН ЎЗ ҲАЁТИНИ ЎЗГАРТИРИШИ МУМКИН, АГАР АСТОЙДИЛ ИНТИЛИШ ВА МАҚСАД БЎЛСА...

Маҳаллаимизда истиқомат қилувчи 19 ёшли Дилшод исмли йигит ҳаётида қийинчиликларга дуч келган эди. Отаси чет элда ишлаётгани, онаси эса соғлиғи туфайли доимий иш билан банд бўла олмагани сабабли у кўпинча ўз ҳолига ташлаб қўйилган...

Ортиқ РАҲИМОВ, Навбахор туманидаги “Оқ олтин” маҳалласи ёшлар етакчиси.



Бўш вақтининг кўплиги ва нотўғри давра таъсири остида у аста-секин ёмон одатларга, жумладан, зарarli моддаларни синаб кўришга ҳам қизиқа бошлади. Аввалига бу унга вақтинчалик хотиржамлик ёки завқ бағишлайдигандек туюлди. Аммо вақт ўтган сари у ўқишга бўлган қизиқишини йўқота бошлади, уйдагилар билан муносабатлари совуқлашди ва келажакка бўлган ишончи ҳам камайди.

Дилшод билан ўтказилган ўрганиш жараёнида унинг ижтимоий аҳоли ва бандлик масалалари атрофида таҳлил қилинди. У билан индивидуал суҳбат ўтказди, унинг қизиқишлари, касб-хунар эгаллаш истиги ва ҳаётдаги муаммолари ҳақида очик мулоқот қилинди. Суҳбат давомида Дилшод аслида техника ва автомобилларга қизиқишини, аммо иш топа олмагани учун вақтини бекор ўтказётганини айтиб берди.

Шундан сўнг мутасаддилар билан ҳамкорликда унга мавжуд бўш иш ўринлари таклиф этилди. Дилшодга маҳалладаги автомобиль устахонасида шоғирд сифатида ишлаш имконияти яратилди. Унга меҳнат фаолияти шартлари, иш жараёни ва вазифалар ба- тафсил тушунирилди. Аввалига у бироз иккиланди, аммо ўз ҳаётини ўзгартириш учун имконият эканини тушуниб, ушбу таклиф- ни қабул қилди.

Ишни бошлаганидан кейин Дилшод аста-секин ўз ҳаётига бошқача қарай бошлади. У устозларидан автомобиль таъмирлаш сирларини ўрганди, меҳнат қилишнинг қадрини ҳис қилди ва энг муҳими, бўш вақтини фойдали иш билан ўтказа бошлади. Вақт ўтиши билан зарarli одатлардан бутунлай воз кечди. Ои- ласи билан муносабатлари ҳам яхшиланди, ўз келажаги ҳақида аниқ мақсадлар кўя бошлади.

Бугунги кунда Дилшодни кўпчилик масъулиятли ва меҳнатсевар йигит си- фатида танийди. У келажакда ўзининг кичик устахонасини ташкил этишни орзу қилади. Энг муҳими, у ўз ҳаётини ўзгартириш мумкинлигини тушунди ва тўғри йўлни танлади.

Бу каби чора-тадбирлар ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, ҳар бир ёшга эътибор ва имконият берилса, улар ўз ҳаётини ижобий томонга ўзгартира олади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Шаҳризода ОМОНОВА,
Фарғона тумани:

— 18 ёшдаман, кам таъминланган оилада яшайман ва онам яқинда вафот этган. Шу йил олий таълим муассасасига кириш учун ариза бермоқчиман. Шундай ҳолатда, мен 4 фоизлик давлат гранти квотаси асосида олий таълимда ўқиш ҳуқуқига эга бўлишим мумкинми?

Ўқишга кириш учун квота кимларга берилади?

Нозима ЭРҒАШОВА,
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Сиз, агар эҳтиёжманд оилада яшовчи фуқаро бўлсангиз, олий таълим муас- сасаларига қўшимча 4 фоизлик давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида тавсиянома олиш ҳуқуқига эга бўласиз. Бу ҳуқуқ кам таъминлан- ган, тўлиқсиз оилада тарбияланаётган, турмуш ўртоғи вафот этган ва вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбияла- ётган, ногирон фарзанди бор, ота-она- сидан бири ёки ҳар иккиси биринчи

ёки иккинчи гуруҳ ногирони бўлган хотин-қизлар, шунингдек, икки ва ун- дан ортиқ фарзандини тарбиялаётган ёлғиз аёлларнинг қиз фарзандларига берилади.

Сиз тавсияномани яшаш жойин- гиз бўйича туман (шаҳар) оила ва хо- тин-қизлар бўлимига электрон шаклда ариза бериб олишингиз мумкин. Ушбу тавсиянома фақат сиз танлаган би- ринчи таълим йўналиши бўйича олий таълимда танловда иштирок этиш им- конини беради, бошқа йўналишларга татбиқ этилмайди.

ТАРТИБ

Ўзбекистонда ҳар йили тахминан 270 мингга яқин янги оила ташкил топади. Ҳар бир ёш оила мустақил ҳаёт бошлаш учун, энг аввало, қулай ва шинам уй-жойга муҳтож. Шу сабабли давлат ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, айниқса, уй-жой билан таъминлаш масаласига муҳим эътибор қаратади.

Нигора АЪЛОЕВА.

резидентимиз 2026 йил 24 фев- раль кунини ёшлар билан ўт- казган мулоқотида ёш ои- лаларни қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим янгиликни эълон қилди: эндиликда ипотека кредит ставка- сининг 14 фоиздан ошган қисми давлат бюджети хи- собидан қўллаб берилади. Бу ташаббус қўллаб ёшлар учун уй сотиб олиш имко- ниятини кенгайтириши шубҳасиз.

Аслида, уй-жой масала- си ёшлар учун узоқ йил- лардан бери энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Биринчидан, уй нархларининг юқорилиги қўллаб ёш оилалар учун катта тўсиқ бўлиб келган. Янги оила қурган ёшлар-

нинг аксарияти ҳали барқарор даромадга эга бўлмайди. Оқи- батда улар катта миқдордаги дастлабки тўловни тўлаш ёки ипотека кредитининг фоизла- рини қоплашда қийинчиликка дуч келади.

Иккинчидан, ипотека кре- дитларининг фоиз ставкалари ёшлар учун сезиларли молия- вий юк бўлиб келган. Баъзи оилалар кредит олишга журъат қилган тақдирда ҳам, узоқ йил- лар давомида катта миқдор- даги фоизни тўлашга мажбур бўлади. Бу эса ёш оиланинги бошқа эҳтиёжларини қонди- ришга ҳам салбий таъсир кўр- сатган.

Учинчидан, қўллаб ёшлар дастлаб ота-онаси билан яша- га мажбур бўлади ёки узоқ вақт ижара уйда яшайди. Ижара нархларининг ошиб бориши эса ёш оиланинги жамғарма қилиш имкониятини янада ка- майтиради. Натижада уй сотиб олиш орзуси кўп ҳолларда узоқ йилларга чўзилиб кетади.



Ижарадан қутулиш вақти келди: Имтиёзли ипотека билан ўз уйингизга эга бўлинг!

Албатта, бу ислохотлар ёш оилалар учун катта имконият яратди. Бироқ уй-жой масаласини тў- лиқ ҳал қилиш учун на- фақат кредит миқдорини ошириш, балки уй-жой нархларини барқарор- лаштириш, ёшларнинг даромадларини ошириш ва ипотека шартларини янада қулайлаштириш ҳам муҳимдир. Чунки мустаҳкам оила — барқа- рор жамият пойдевори ҳисобланади. Ёш ои- ланинги ўз уйига эга бў- лиши эса нафақат улар- нинг фаровонлигини оширади, балки жамият тараққиётига ҳам ижо- бий таъсир кўрсатади.

Шу муаммоларни хи- собга олган ҳолда, “Ўзбе- кистон-2030” стратегияси доирасида ипотека кре- дитларини кенгайтириш режалаштирилган. Хусусан, 2026 йилда жами 23 трил- лион сўм миқдорда ипоте- ка кредитлари ажратилади. Шунингдек, битта квартаира учун ажратилдиган имти- ёзли кредит миқдори Тош- кент шаҳрида 480 миллион сўмга, ҳудудларда 380 мил- лион сўмга етказилади. Бун- дан ташқари, ипотека кредит- лари учун 2,7 триллион сўм субсидия тақдим этилади.

Саҳифани “MaHalla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида “ИМКОНИАТЛАР ОЛИМПИАДАСИ” касбий маҳорат танлови ўтказилади.



Ихтиёрий равишда ижтимоий солиқни тўлиқ тўлаган ўзини ўзи банд қилган шахсларга ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИЛАДИ.



“БЕШ ТАШАББУС ПАРАЛИМПИАДАСИ”да иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш бошланди.

6

Mahalla №18

2026 йил 7 МАРТ, ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Ишонч ва умидни уйғота олсак, маррани эгаллаш машаққат эмас

Маҳалла — аҳолини қўллаб-қувватлаш, кексалар ва ногиронлиги бўлган фуқароларни парваришлаш, кам таъминланганларга ёрдам бериш борасида фаол ишлар олиб бораётган ўзига хос тизим. “Еттилик” ходимлари фуқаролар ҳаёти учун қулай шароит яратиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш учун тинмай меҳнат қиляпти.

Адиба ЭРМАТОВА, Тўрақўрғон туманидаги “Юқори Муғолтой” маҳалласи ижтимоий ходими.



Худудимизда 587 та хўжалик ва 3 245 нафар аҳоли эҳтиёжини ўрганиш мақсадида хонадонма-хонадон юриб, суҳбатлар ўтказилапти. 9 нафар яқин-ёқин яшаётган кекса ҳамда имконияти чекланган фуқарога ижтимоий ассистентлар бириктирилган. Уларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида тиббий кўрик ва санаторийда дам олиши учун йўлланмалар навбат билан тақдим этиляпти. Аҳоли вакилларининг эҳтиёжига қараб ҳасса, юриш мосламаси ва арава каби зарурий буюмлар етказиб берилляпти.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали тақдим этилаётган амалий ёрдамлар фуқароларнинг моддий эҳтиёжини қоплашда катта аҳамият касб этмоқда. 10 нафар фуқаронинг дори-дармони, даволаниши ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари учун керакли маблағ ажратилди.

Эзгу ишлардан бири — 3 нафар ногиронлиги бўлган аъзоси мавжуд Нишонбой Мўминовнинг хонадони таъмирталаб экани аниқланиб, “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 5 миллион сўм ҳамда маҳалла ходимлари, тадбиркор ва жомеъ масжиди кўмагида қўшимча 2 хонали янги уй қуриб берилди.

Фаолиятимиз давомида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш асосий мақсадимизга айланган. Утган йили меҳнат қилиш лаёқатига эга бўлган 11 нафар фуқарони худуддаги норасмий секторларга ишга жойладик.

Маҳалламизда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар учун ўқув машғулоти ташкил этиш анъана тусига кирган. Иштирокчиларга дарс давомида турли соҳа вакиллари керакли тавсия ва маслаҳатлар беришляпти. Машғулотда қатнашган Гўлчехраҳон Сайфиддинованинг қисқа вақт ичида ўзига ишончи ортди. Хонадонда бўш қўлардан халта тикиш ва пиширик сотиш фаолиятини бошлаб юборди. 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандини парваришлаб келаётган бу аёл маҳоратини барчага ўрнак қилиб кўрсатса арзийди.

“Камбағал оилалар реестри”даги хонадон вакиллари билан ҳам манзилли ишлар ташкил этиляпти. Уйма-уй юриб, оилаларнинг бандлиги, даромад манбалари, меҳнат дафтарчалари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Уй бекаларининг ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашиб, даромад топишига шароит яратиб берилляпти. Имконияти чекланган ва ўзгалар парваришига муҳтож шахслар учун “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида 5 та йўналишда ижтимоий хизматлар йўлга қўйилган. Натижада қўллаб оилаларда ижтимоий аҳвол яхшиланди. Жумладан, Одинахон Мадалимова бодом тозалаш ускунаси харид қилиб, ҳозирда 8 нафар хотин-қизни уй меҳнатига жалб қилди.

Умид қиламанки, бугун олиб борилаётган ислохотлар, қилинаётган меҳнат эртага оилалар ҳаётида сезиларли ўзгариш ясади.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Билим билан баробар даромадга йўл очик

Ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий-лашувини таъминлашга қаратилган лойиҳалар Оҳангарон шаҳридаги 7-сонли алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабда фаол амалга оширилмоқда.



Элбек ШОЙИМҚУЛОВ, журналист.

Мактаб ўқувчиларга сифатли ва замонавий шароитда таълим беришига мўлжалланган. Синф хоналар ва спорт майдончаси замонавий талаблар асосида жиҳозланган.

2025-2026 ўқув йилида мактабда жами 143 нафар ўқувчи тахсил олмақда, шулардан 41 нафари уйда яққа тартибда ўқитилади. 9-синф битирувчилари сони 17 нафар бўлиб, шундан 13 нафарини техникумларга йўналтириш режалаштирилган. Қолган 4 нафар битирувчининг бандлиги ва турмуш шароитини яхшилашга доимий эътибор қаратилди. Шу орқали ҳар бир ўқувчининг келажақдаги имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Мамлакатимизда босқичма-босқич жорий этилаётган давлат ижтимоий суғуртасининг янги тизими, биринчи навбатда, ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олиш масаласида тенгликни таъминлайди. 2025 йилнинг 9 декабрь куни имзоланган “Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги қонун асосида эндиликда хусусий секторда ишлаётганлар ҳам декрет пули, вақтинча ишга лаёқатсизлик нафақасини олади.

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОР, УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТИЗИМ

Мадина АЗИЗОВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси.

Мақсад — аёллар бандлигини ошириш, фуқароларнинг оғир ҳаётӣ вазиятга тушиб қолишининг олдини олиш, камбағаллик хавфини камайтириш, расмий бандликни рағбатлантиришдан иборат. Нафақаларни тайинлаш ва тўлов шаффоф бўлиши учун давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўловлар фуқароларнинг суғурта стажи ва суғурта бадалига кўра, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси орқали тўланади. Бу фуқаро учун ҳам, иш берувчи учун ҳам манфаатли, аниқ қоидаларга асосланган янги тизим экани билан аҳамиятли.

Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари бир нечта манбалар ҳисобидан шаклланади. Иш берувчилар тўлайдиган ижтимоий солиқнинг бир қисми, фуқаролар тўлайдиган даромад солиқининг бир қисми ва ихтиёрий суғурта бадаллари ушбу жамғармага йўналтирилади. Шунингдек, давлат бюджети ҳисобидан ҳам маблағ

Дастлабки маълумотларга кўра, биргина январь ойида ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси бўйича Давлат ижтимоий суғуртаси жамғармасига 11,6 мингта касаллик varaқаси келиб тушган. Шундан 9 минг таси (77,5 фоизи) бўйича 103,5 миллиард сўм миқдоридagi нафақа тайинланган.

ажратилади. Жамғарма маблағлари солиққа тортилмаслиги, тўлиқ ижтимоий тўловлар учун сарфланиши ҳам сезиларли маблағлар одамлар ҳисобига ўтишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам 2026 йилда Ижтимоий суғурта жамғармаси орқали 185 мингта яқин аёлга декрет нафақаси, июль ойидан бошлаб эса 600 мингта яқин фуқарога касаллик нафақалари автоматик, яъни мурожаатсиз тарзда тўлаб берилиши режалаштирилган. Бу мақсадлар учун жорий йилда жамғарма ҳисобидан 3,4 триллион сўм маблағ йўналтирилади.



Шу кунгача касаллик ва ҳомиладорлик нафақалари, асосан, иш берувчилар зиммасида ва ихтиёрида бўлгани хусусий секторда аёлларни ишга олмастик ёки уларни ҳомиладорлик сабабли ишдан бўшатиш каби ҳолатларни юзага келтиргани билан ўзини оқламади. Шу маънода ҳам қонун билан мустаҳкамланган, молиявий жиҳатдан барқарор, умуминсоний қадриятларга таянган давлат ижтимоий суғуртаси тизими ишга тушириляпти. Зеро, ҳар соҳадаги каби бу борада ҳам хорижий тажриба ўз сўзини айтади.

Давлат ижтимоий суғуртаси дунёнинг кўплаб давлатларида мавжуд. Уларнинг тажрибаси ва қатор халқаро ҳужжатлар ўрганилганда, аҳолини ижтимоий суғурта билан қамраб олиш қонун даражасига олиб чиқилгани ва мустаҳкамлангани кўринади. Германия, Франция, Швецария ва Япония каби ривожланган давлатларда ижтимоий суғурта тизими жуда ривожланган.

Ишдан бўшатиш нафақасини тайинлаш 2030 йилга қадар йўлга қўйилади. Малайзия айнан шу йўналишда дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда қонун ижросини самарали ташкил этишга тайёргарлик қуриб, Малайзия давлати тажрибаси ўрганиляпти.

Яна бир манфаатли қонуннинг қабул қилиниши, у орқали адолатли бир тизимнинг ишга туширилгани халқимизнинг ёруғ эртаси ва бугунги фаровон ҳаётига хизмат қилади. У орқали ходимларни ижтимоий хавфлардан ҳимоялаш, меҳнат бозорига барқарорликни оширишга эришиш ният қилинган.

— Шу мактабнинг 6-синфида ўқийман, — дейди Нурдавлат Мавлонов. — Расм чизиб ва матога турли тасвирлар туширишга қизиқман. Мактабимизда ташкил этилган тикувчилик тўғрисида чойшаблар тикиб, даромад топяман. Отанам қўлимдан иш келиб қолганини кўриб жуда қувонди. Айниқса, онамининг ишончи мени янада масъулият билан ўқишга ундади.

Мактабдаги лойиҳалар орқали болалар касб ўрганиб, даромад топяпти. Бу нафақат уларнинг шахсий ривожланишига, балки оила фаровонлигини оширишга ва инклюзив таълимни ривожлантиришга хизмат қилади.

Саҳифани “Mahalla” муҳбири ШАҲНОЗА РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.



ИНТИЛГАНГА ИМКОНИАТ ЧЕКСИЗ

Ака-ука Алишер ва Рустам Раҳмоновлар Қарши шаҳридаги “Хонтепа” маҳалласида яшайди. Ҳар иккаси ҳам 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатда туришадди. Алишер ака деярли 30 йил уйдан чиқмаган.

ҲАМ САХОВАТ, ҲАМ КЎМАҚДАН КАЙФИЯТ КЎТАРИНКИ

Дилшод ШОДИЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси матбуот котиби.

Маҳалладаги ижтимоий ходим уларнинг муаммолари ва қизиқишларини ўрганди. Шундан сўнг кейс менежмент асосида, ака-уканинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш мақсадида бир нечта хизматлар режаси тузилди.

Унга кўра, соғлигини тиклаш мақсадида фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилди, ҳар иккиси ҳам электрон арава билан таъминланди. Санаторийга йўлланма берилди. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан даволаниши учун моддий ёрдам ажратилди. Табиий газ ҳамда электр энергияси бўйича баъзавий меъёрдан ортиқ истеъмолли учун компенсация тўлаб бериш бўйича ариза киритилди. Иситиш мавсумида эҳтиёжманд оилаларга бериладиган бир марталик моддий ёрдам ажратилди.

Ижтимоий ходим кўмагида фуқароларнинг оилавий даромад манбаига эга бўлиши учун шахмат тўғрисида очишга кўмаклашилди. Ҳозирда ушбу тўғаракка 20 нафарга яқин ўқувчи ёшлар жалб этилган.



Ўзбекистонда 2026 йилдан рақамли маркировка қоидабузарликларини МАСОФАДАН ТЕКШИРИШ жорий этилади.



ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР учун "my3.soliq.uz"даги шахсий кабинет орқали солиқларни тўлаш жараёни янада соддалаштирилди.



Электрон ҳисобварақ-фактураларнинг ХАВФ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ҳамда бу буйича ҚҚС тўлаш тартиби белгиланди.

2026 йил 7 МАРТ, ШАНБА

Ma'halla №18

7

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ҲУҚУҚ

Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида давлат, жамият ва фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий мувозанатни мустаҳкамлаган муҳим моддалардан бири, бу — 67-модда: “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатланади” деган қоидадир.

Эркин тадбиркорлик ҳуқуқи — ишонч, масъулият ва фаровонлик кафолати

Ойбек ҒАНИБОВ, Нурафшон туманлараро иқтисодий суди судьяси.

унё амалиётида иқтисодий эркинлик ва тадбиркорлик фаолиятининг ҳимоя қилиниши давлат тараққиётининг энг муҳим шарти сифатида қаралади. Ўзбекистон Конституциясининг 67-моддаси айнан шу халқаро меъёрларга мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи экани, давлат тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўймаслиги, хусусий мулк дахлсиз ва ҳимояда экани ҳамда адолатли рақобат ва тенг иқтисодий шароитлар таъминлиши каби қоидалар қатъий белгиланган.

Шу ўринда, бюрократияни қисқартириш — амалий кафолатнинг энг муҳим босқичида турибмиз. Сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолияти турлари электрон рўйхатдан ўтказилиши таъминланди. Эндиликда корхона очиш 15-20 дақиқа вақт олади. Солиқ ҳисоботлари онлайнга ўтди, яъни “soliq.uz” ва “my.soliq.uz” платформалари орқали тадбиркор ўз ҳисоботларини электрон тарзда йўллайди. “Ягона дарча” тамойили кенг жорий этилиши натижасида лицензиялар ва рухсатномалар сони 2,5 баробар қисқарди. Албатта, бу ўзгаришларнинг барчаси Конституцияда белгилаб қўйилган эркинликни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган.



Бу модда бир жумла эмас, бу — ҳар бир фуқарога ишонч, одимлаётган иқтисодиётга ҳуқуқий кафолат ва давлатнинг эркин бозор тамойилларини тан олгандир.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш аҳоли фаровонлиги учун ҳам муҳим. Чунки тадбиркорлик фақат иқтисодий фаолият эмас, бу — фуқаронинг ўз меҳнати ва ташаббуси билан имконият яратиши, оилалар даромадининг ошиши, янги иш ўринлари пайдо бўлиши, инновация ва рақобат муҳити барқарорлаштиши, қолаверса, мамлакат экспорт салоҳияти ўсиши дегандир.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодий сиёсатнинг энг самарали модели, бу — давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлигидир. Ўзбекистонда ҳам мазкур тамойил устувор йўналиш сифатида танланди. Конституциянинг 67-моддасида тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлар яратмаслик, қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш, солиқ ва энгилликлар сиёсатида изчилликни сақлаш, бизнес-муҳитни яхшилаш учун шарт-шароит яратиш давлатнинг вазифаси сифатида белгиланган.

Шу маънода тадбиркорлик эркинлиги — “тадбиркор билан очик мулоқот, ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлаш” сиёсатини қонуний макомга чиқаришдир.

Яна битта муҳим жиҳат — тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий муҳит халқаро мезонлар билан уйғунлаштирилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон қонунийлиги бир қатор халқаро рейтинглар талабларига мослаштирилди. “Doing Business”, “Economic Freedom Index”, “Global Competitiveness Index” шулар жумласидандир. Бу рейтинглар тадбиркорлик муҳитининг қанчалик очиклиги ва барқарорлигини ўз ичига олади. Конституция белгиланган эркинлик ана шу индикаторларни яхшилашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

СОЛИҚЧИ — КЎМАҚЧИ

Муваффақият формуласи оддий: ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ ВА ШАФФОФ ҲИСОБ-КИТОБ



Маҳалладаги бир ярим йиллик фаолиятим давомида қарийб 1 500 нафар солиқ тўловчига солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўғри бажаришни таъминлашда амалий ёрдам бериб келмоқдам. Мен учун энг қувонарлиси — худудимизда ёш тадбиркорлар сони ошиб бораётгани, уларнинг интилиши ва изланиши.

Умиджон СОБИРОВ, Хонобод шаҳридаги “Мустақиллик”, “Янги ҳаёт”, “Истиклол”, Фитрат номидаги маҳаллалар солиқ инспектори.

ундай ёшлардан бири — Диёрбек Зарипов. У дастлаб сартарошлик соҳасида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолият юритар эди. Ишлари юришиб кетгач, фаолиятини кенгайтириш ва расмийлаштириш ниятида яқка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) сифатида рўйхатдан ўтишга қарор қилди. Аввалига у қаерга мурожаат қилиш, қандай ҳужжатлар тайёрлаш, солиқ тизимини қандай танлаш борасида иккиланди. Кўпчилик ёшлар каби унда ҳам “жараён мураккабмикан?” деган хавотир бор эди.

Биз унга босқичма-босқич тушунтирдик: Давлат хизматлари

маркази орқали рўйхатдан ўтиш, фаолият турини тўғри танлаш, солиқ тартибини белгилаш, банк ҳисобрақами очиш каби жараёнларда амалий кўмак бердик. Натижада Диёрбек қисқа фурсатда ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтди ва қонуний фаолият бошлади. Ҳозирда у қўнлик даромадидан 1 физмикдориди солиқ тўлаб келишни одат қилган. Энг муҳими, иши қонуний, ҳисоб-китоби шаффоф. Энди у фаолиятини кенгайтириш ҳақида уйлаети.

Албатта, муаммоларсиз иш бўлмайди. Дастлабки ойларда у айрим ҳисобот муддатларини адаштириб юборди, электрон тизимдан фойдаланишда қийналди. Агар ўз вақтида тузатилмаганда, бу жаримга сабаб бўлиши мумкин эди. Биз эса вазиятни ўрганиб, унга электрон ҳисобот топшириш тартибини амалда кўрсатдик, солиқ календарини юритишни тавсия этдик. Натижада муаммо бартараф этилди, тадбиркор эса янада ишонч билан фаолиятини давом эттирмоқда.

Диёрбекнинг ютуқларини кўриб, яна бир мактаб ўқувчисида тадбиркорликка қизиқиш уйғонди. У мактабдан кейин сартарошлик билан шуғулланишни истар эди. Ёши вояга етмагани сабабли унинг фаолиятини қонуний ташкил этиш масаласи долзарб бўлди. Ўқиш жойидан тавсиянома олиб, “устоз-шогирд” аънаси асосида ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтишига кўмаклашдик. Шу тариқа у ҳам қонуний меҳнат қилиш, даромад топиш ва солиқ тўлаш маданиятини ёшлигидан ўрганмоқда.

Шу ўринда бир долзарб муаммони айтиш жоиз. Қўллаб-қувватлаш фақат тадбиркор деб ҳисоблайди, ammo ҳуқуқий билим етарли эмаслиги сабабли фаолиятини тўлиқ қонунийлаштирмаган бўлади. Айниқса, деҳқон ҳўжаликлари, машиини хизмат кўрсатиш шохобчаларида бундай ҳолатлар учрайди. Улар қонун талабларини билмагани учун ҳисоб-китобда хато қилади ёки солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажармайди. Бу эса ортиқча муаммо ва жарималарга олиб келиши мумкин. Биз вазифамиз доирасида жойларга чиқиб, суҳбатлар утказяпмиз, камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Чунки қонуний тадбиркор — барқарор иқтисодиёт пойдеворидир.

“СОЛИҚ ТЎЛАШ — БУРЧИМ!”

ҲУНАРМАНДЛАР ҲУНАРИГА ХОРИЖЛИКЛАР ҲАВАСМАНД



Бухоро шаҳридаги “Кўкалдош” маҳалласида яшовчи оилавий тадбиркорлар — Элёр Жумаев ва Насиба Тошева ўз уйларида ёғоч уймакорлиги устахонасини ташкил этган. Улар яратётган миллий нақшлар билан безатилган бадий буюмларни нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижлик сайёҳлар ҳам катта қизиқиш билан харид қилмоқда.

Хулқар ХОЛИКОВА.

Жумаевлар оиласининг тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва солиқ интизомига риоя қилиш бир-бирига мутаносиб. Қонуний ва шаффоф фаолият — хунарманднинг обрўси ва даромадининг кафолатидир.

ёғоч уймакорлиги билан шуғулланувчи хунармандлар “Хунарманд” уюшмаси аъзоси бўлган ҳолда, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтишлари мумкин. Элёр Жумаев ҳам ушбу тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, фаолиятини қонунийлаштирди. Бу унга белгиланган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, расмий даромад юритиш ва маҳсулотларини эркин сотиш имконини берди.

Шу билан бирга, оила ўз устахонасида онлайн касса апаратини рўйхатдан ўтказиб, ҳар бир савдон расмий равишда қайд этиб бормоқда. Бу эса ҳисоб-китобнинг шаффофлигини таъминлаб, ортиқча тушунмовчилик ва малайявий хатоларнинг олдини олишга хизмат қилаётди.

Қолаверса, улар рўйхатдан ўтган тадбиркор сифатида банк хизматларидан фойдаланиш, шартномалар тузиш ва кўргазма-савдоларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишган.

Саҳиба ҚОЛИКОВА, “Ma'halla” муҳбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қайта ижара учун янги шартнома шартми?



Нодир ҚАҲҲОРОВ, Самарқанд вилояти:

— Мен 2022 йилда туман ҳокимлиги 10 йил муддатга ижарага берган ер майдонининг ижара ҳуқуқини амалдаги ижарақидан нотариал тартибда сотиб олдим. Шу ҳолатда, мен янги ижарачи сифатида ҳокимлик билан алоҳида шартнома тузишим шартми?

Мирсаид МИРМАҚСУДОВ, Кадастр агентлиги директори ўринбосари:

— Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган “Ер участкасига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, ер участкасини қайта ижарага бериш нотариал тасдиқланган битим асосида амалга оширилади ва ижара ҳуқуқи белгиланган тартибда кадастр ташкилотларида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Муҳими, ижарачи ўзгаргани ҳақида ахборот ҳокимликка электрон тарзда юборилади. Шу сабабли, сиз қайта ижара ҳуқуқини нотариал тартибда қонуний равишда сотиб олган бўлсангиз ва Низом талабларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни бажарилган бўлса, ҳокимлик билан алоҳида янги ер ижара шартномаси тузиш мажбурияти мавжуд эмас. Ҳуқуқий муносабатлар нотариал битим ва давлат рўйхатидан ўтказиш орқали расмийлаштирилади.



Малайзия ва Индонезиядан келган ҳар бир сайёҳ учун **ТУРОПЕРАТОРЛАРГА СУБСИДИЯ** тўланади.



Ўзбекистонда **КИБЕРСПОРТ ЙЎНАЛИШИДА** замонавий спорт турлари бўйича мусобақа ташкил этилади.



ҲАЙДОВЧИЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАН шахслар машина бошқарса, улар кузатув камералари орқали автоматик равишда аниқланади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ХАВФСИЗ МУҲИТ

БИРОР МУРОЖААТ

“ЕТТИЛИК” ИШТИРОКИСИЗ ЕЧИМ ТОПМАЙДИ

Чилонзор тумани тажрибаси асосида ўрганиш олиб борганимизда 75 ёшли Абдурашид бобо Худойкулов узоқ йиллардан бери ёлғиз ўзи яшагани аниқлади. Устига устак кўзи ожиз бўлиб қолган. Ўзининг айтишича, асли фарғоналик бўлиб, қариндошлари ҳам бор. Фақат уларни топиш керак эди. Бунинг учун водий вилоятларидаги ҳамкасбларимдан кўмак сўрадим. Отахон тўғрисидаги маълумотни барча маҳалла телеграм каналларига тарқатиб, қариндошларини қидирдик. Ниҳоят, тез кунда улар топилди. Муқаддас кунларда фарзандлари отасини олиб кетди...

Ёркинбек НОРҚЎЗИЕВ, Ховос туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласи профилактика инспектори.

Увоҳ бўлганингиздек, бу каби профилактик тадбирлар нафақат жиноятларнинг олдини олишга, балки инсонлар тақдирини яхшилашга хизмат қилапти. Муҳими, бундай тадбирлар ҳужақурсинга бажарилмаяпти, уларнинг сони ва сифати ошяпти. Жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш ҳамда хавфсиз муҳитни таъминлаш мақсадида уч босқичли куну тун хизмат ташкил этганмиз. Уйма-уй юриб, “хонадонбай” ўрганишларда юқоридаги каби муаммолар аниқланиб, тезкор ечим топилляпти. Ўтган вақт давомида вақтинчалик рўйхатдан ўтмай яшаётган 20 нафардан ортиқ фуқаро аниқланиб, яшаши ва ишлаши қонунийлаштирилди.

Ушбу маҳаллада иш бошлаганимга 1 йил тўлди. Дастлабки ойларданок, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабини изладим. Маълум бўлишича, асосий омил — четдан келиб-кетувчилар кўпчилиги экан. Аксарияти вақтинчалик ишлаш мақсадида келган. Асосан, ўғрилик ва фирибгарлик кўп кузатилди. Айниқса, кузги терим вақтида сабзавот маҳсулотлари ўғирланади. Шу боис жамоатчилик иштирокида кўнгилчилардан иборат назорат гуруҳи туздик. Улар билан биргаликда туну кун навбатчилик ташкил этдик. Натижада жорий йилнинг 3 ойида бирорта жиноят содир бўлмади. Ўз навбатида, одамлар фирибгарлар алдовига учмаслиги учун маҳалла телеграм каналларида доимий тарғибот олиб боряпмиз.

Жиноятчилик, ишсизлик ва камбағалликнинг олдини олишда “маҳалла еттилиги” ходимларининг ҳамкорлиги жуда муҳим. Чунки маҳалладаги ёшлардан тортиб, хотин-қизлар масалаларига ҳам “еттилик” иштирокисиз ҳал бўлмайди. Масалан, бизда жиноятлар келиб чиқишига бош омил — ишсизлик. Аҳоли деҳқончилик билан шуғуллангани учун қиш ойида бекорчи бўлиб қолади.

Доимий банд инсондан ёмонлик чиқмайди. Яъни, иши бор инсон жиноят содир этмайди. Барқарор иш ўрни, даромад манбаи ва бандлик инсонларни ноқонуний ҳаракатлардан қайтаряпти, жиноятчиликнинг олди олинляпти.

Табиийки, етишмовчилик оилавий низолар жиноятларга йўл очади. Шу боис муаммога ечим топиш учун маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси билан янги иш ўринлари яратиш борасида лойиҳалар ишлаб чиқяпмиз. Венгриялик инвестор иштирокида паррандачиликка ихтисослашган қўшма корхона ташкил этиляпти. Дастлабки йилда 60 та иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, имтиёзли кредит асосида тадбиркорлик фаолиятини бошлаганлар сони ортиб борапти.



ТАҲЛИЛ

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ЎТИНЧИ ПАНЖАРА ОРТИ БЎЛДИ



Ҳаёт инсонга фақат бир марта берилади. Кимдир хайрли, эзгу амаллари билан одамлар орасида яхши ном қолдиради. Яна кимдир қонунга хилоф қилмиши ёки ман этилган фаолияти билан жамиятга зарар еткази.

Хайрулло ФАЙЗ.

Ўғри, одамларнинг тақдирини турлича. Лекин ҳар ким ҳам ҳалол ва заҳматли меҳнати, яхши хулқи туфайли эга бўлган обрў-эътибори, оилада ўғил-қизларига берган муносиб тарбияси туфайлигина роҳат кўради. Акс ҳолда...

Шу ўринда мақсадга ўтадиган бўлса, инсоннинг таназзулга етакловчи, ҳаётини издан чиқарувчи гиёҳвандлик балоси ер юзиде аллақачон глобал муаммога айланди. Дунёнинг барча давлатлари ўта хавфли ва хатарли иллатнинг пайини қирқини йўлида кескин кураш олиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам бу борада катта ишлар бажарилмоқда.

Жорий йил 27 январь кунини Президентимиз Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида наркожиноятларга қарши кураш масаласига алоҳида тўхтади. Аср вабосига қарши курашиш усулларини замонавийлаштириш, бу турдаги жиноятларнинг барвақт олдини олишга доир кўрсатмалар берилди. Чунки замон ривожланган сари гиёҳвандлик воситаларини тарқатишнинг ҳам янги усуллари пайдо бўлмоқда. Аънавий наркотик моддаларнинг ўрнини ундан-да, кучли, тарқатишга қулай психотроп воситалар эгаллаб бошлади. Амалдаги қонунларга кўра, бу иш тақиқланган. Шундай бўлса-да, айрим инсонлар қонунларни бузмоқда.

Мақоламиз қаҳрамони Нуриддин(исми ўзгартирилган) аввал ҳам бу турдаги жиноят содир этган ва қонуний жазо олган. Аммо тегишли хулоса чиқармаган кўринади. Акс ҳолда, 2025 йил яна жиноятга қўл урмасди. Бошқарувдаги автомашинада Термиз-Тошкент автомобиль йўлидан ҳаракатланиб кетаётганда, йўл-патруль хизмати ходимлари тўхтатишди. Машина кўздан кеичилганда, ўриндик остида

Хулоса қилиб айтганда, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишнинг ҳар қандай кўриниши қатъий жазого лойиқ. Бунда ўринсиз баҳоналар ўтмайди, жинойий қилмиш учун, албатта, жазо муқаррар. Суд барча ҳужжатларни синчковлик билан ўрганиб, унга 7,5 йил қамқ жазоси тайинляди.

1 066 донга кучли таъсир этувчи психотроп модда борлиги аниқланди. Бу рақамларни шунчаки эътиборсиз ўтказиб юборармиз. Аммо гиёҳвандлик воситаси қанча ёшларнинг умрига зомин бўлишини ўйласак, муаммо қўламини яққол ойдинлашади. Яъни, ички ишлар ходимининг зийраклиги сабабли минглаб инсонлар ҳаёти оғу таъсиридан сақлаб қоллинди.

Ачинарлиси, қилмишидан пуншаймон эканини айтиб, суддан енгиллик сўраётган бу йигит аввал ҳам шу турдаги жиноят содир этган бўлиб, айни пайт жазо муддатини ўтаётган бўлган.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОВ тайёрлади.

МУЛОҲАЗА

Жиноятдан холи, низолар йўқ, аҳоли хотиржам бўлиши учун нима қилиш керак?

Худуд жиноятдан холи бўлиши учун нима қилиш керак? Ўйлашимча, ҳар бир ходимнинг туну кун ўйлантирадиган, жавоби барчага фойдали савол бу. Кунини кеча маҳалламизда бўлиб ўтган тадбирда айни шу саволга жавоб изланди. Пойтахт судьялари иштирок этган сайёр суҳбат чакки ўтмади. Битта мавзу ва ҳаммага маълум “бир ҳовуч гаплар” билан чекланиб қолингани йўқ.

Дилшод МАНСУРОВ, Янгиҳаёт туманидаги “Ташаббус” маҳалласи профилактика инспектори.

Мулоқот доираси кенг бўлиб, жиноятга олиб келувчи омиллар ва уларни бартараф этиш чоралари, ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш орқали қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш, судланган шахсларни жамиятга мослаштириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш каби қатор мавзу ва масалалар хусусида навбати билан сўз юритилди.

Хусусан, оила ва таълим муассасаси — профилактиканинг асосий бўғини экани алоҳида таъкид этилди. Фуқаролик ишлари бўйича Яқкасарой туманлараро суди судьяси Зиёда Солиева ижтимоий ҳимоя масалаларининг ҳуқуқий тартиблари, оила қонунчилигининг айрим меъёрлари мазмун-моҳиятини шарҳлаб берди. Янгиҳаёт — пойтахтнинг нисбатан янги туманларидан бири. Шунга монанд бу жойда ҳаёт, дарҳақиқат, янгича бўлиши керак: жиноятдан холи, низолар йўқ, аҳоли хотиржам, қариндошлик ришталари мустаҳкам, қўшниллар оқибатли...



Ушбу сондаги барча мақолалар матнини мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан
2024 йил 7 майда
№271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ
Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 830 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-320

